



ИНСОН УЧУН ЎЗ МЕҲНАТЛАРИ САМАРАСИНИ КЎРИШ, ОДАМЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИШ — КАТТА БАХТ

Президент Шавкат Мирзиёев 8 февраль куни пойтахтимиздаги бир қатор муҳим лойиҳалар билан танишди, маҳалла аҳли билан суҳбатлашди. Шунингдек, масъуллар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида долзарб масалаларни муҳокама қилди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент метрополитенидаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Инсон учун ўз меҳнатлари самарасини кўриш, одамларга қувонч улашиш — катта бахт. Мамлакатимизда халқнинг мушкулларини осон, узоғини яқин қилишга қаратилган бундай хайрли ишлар жуда кўп.

Биргина транспорт соҳасини олганда, сўнгги йилларда улкан лойиҳалар амалга оширилди. 2020 йил августда Тошкент ер усти метросининг биринчи босқичи ишга туширилган эди. Уша йили декабрда Сергели йўналиши очилди. Бугунги кундаги йўловчилар оқимидан бўлиш мумкинки, бу лойиҳалар ўзини тўла оқлади.

Бу ишлар изчил давом эттирилиб, мазкур икки йўналишни боғловчи Қўйликдан Сергелигача бўлган метрополитен барпо этилмоқда. Қарийб 12 километрлик бу қисмда 7 та бекат бўлади. Аини кунларда унинг Қурувчилар даҳасигача борган 5 та бекати қуриб битказилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу транспорт иншоотини бориб кўрди. Нурунийлар ва фаоллар билан суҳбатда лойиҳанинг аҳамияти ҳақида сўз борди.

— Охириги йилларда бу борада ҳам тажриба тўпладик. Қўйлик йўналишида 7 та, Сергелида 5 бекатли ер усти метролари қурилди. Олдин Тошкент метрополитенидан 240 минг йўловчи фойдаланган бўлса, бугунги кунда 600 мингдан ошди. Режамиз — 1 миллион йўловчи. Агар ўз вақтида буни бошламаганимизда, шаҳар транспортида қоллапс бўлиши мумкин эди. Энди муқобил энергетикани ҳам ўрганмасак бўлмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз жамоатчилик вакиллари билан бирга метрода юрди.

Қурувчилар даҳасидан Қипчоқ бекатигача бўлган қарийб 4 километрлик метро йўли ҳам яқин ойларида ишга туширилади. Шу тариқа, Қўйлик ва Сергели орасидаги қатнов вақти 15 дақиқани ташкил этади. Мазкур йўналиш бир кунда 40 мингга яқин йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади.

Бунинг эвазига шахсий транспортларга эҳтиёж камайиб, тирбандлик бартараф этилади. Хусусан, Қўйлик — Сергели йўналишида ҳаракатланадиган кунлик автомобиллар сони 40 минггача қисқариб, транспорт оқими 12 фоиз камайиши мумкин.

Умуман, ушбу босқич қуриб битказилиши билан Тошкент метрополитенининг жами узунлиги 70 километрдан зиёд, бекатлар сони 50 та бўлади. Метрода юрвучи кунлик йўловчилар сони 650 минггача етади. 245 та янги иш ўрни яратилади.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги “Aysel Energy” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Маълумки, бу йилги қиш анча совуқ бўлгани электр энергияси тизимидаги муаммоларни яққол юзга чиқарди. Хусусан, айрим эски трансформаторлар юкланиши кўтара олмай, электр таъминотида узилишлар кузатилди.

Давлатимиз раҳбари соҳа мутасаддиларига электр тармоқларини янгилаш, зарур жиҳозлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича топшириқлар берган эди. Бу таширф ўша вазифалар ижроси, келгусида энергетик муаммоларнинг олдини олишга қаратилган ишларнинг бир қисми.

“Aysel Energy” илгига 10 минг донга йирик электр ускуналари ишлаб чиқариш қувватига эга. Туркия технологияси ўрнатилган корхонада маҳаллийлаштириш даражаси 70 фоизга етган. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш таннарихи ва ўрнатиш харажати камайган. Бу эскирган трансформаторларни нафақат пойтахтда, балки бутун республикада янгилаш имконини беради.

Мутасаддилар бу йил мамлакатимизда 3 минг 200 та трансформатор, 12 минг километр кабелларга зарурат борилиги ҳақида ахборот берди. Давлатимиз раҳбари импорт таҳлилидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳаллий маҳсулотларга буюртмаларни кўпайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Умуман, энергетика соҳасидаги бундай ишлар электр тармоқларининг барқарорлигини оширишда муҳим омил бўлади.

Давлатимиз раҳбари Сергели туманидаги Эзгулик маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан танишди.

Бу ерда 26 та кўп қаватли уй бор, 6 мингдан зиёд аҳоли яшайди.

Президентимиз маҳалла вакиллари билан ҳол-аҳвол сўради. Нурунийлар ўтган совуқ кунларда халқимизнинг ва давлат идоралари хизматчиларининг бирлиги билан қийинчилик ортда қолдирилганини айтишди. Энергетика ва коммунал хизматлар 24 соат давомида ишлаган, тезкор чоралар қўриб борилган. Хусусан, маҳалладаги трансформатор ҳам янгиланган.

— Бу бизга сабоқ бўлиши керак. Энергетикада 3-4 қарра кўпроқ захира яратишимиз зарур. Шунинг учун қайта тикланувчи энергетикани ривожлантиришга эътибор беряпмиз. У — мукобил, ишончли ва экологик тоза, — деди давлатимиз раҳбари.

Маҳаллалардаги устувор вазифа аҳоли бандлиги ва ёшлар тарбияси экани таъкидланди. Шу боис, бу йил юртимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилинди. Ўқувчилар мактабда иккита хорижий тил ва битта касб ўрганиб чиқиши учун шароит яратилмоқда. Халқимиз бу ҳаракатни қўллаб-қувватламоқда.

Нурунийлар юртимизга тинчлик-хортижамлик, халқимизга фаровонлик тилаб дуо қилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида энергетика ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, маҳаллаларни обод қилиш ва аҳоли бандлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Унда шаҳар ва туманлар мутасаддилари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Аввало, энергетика масалаларига эътибор қаратилди. Бу борадаги қўшимча манбалардан бири қайта тикланувчи энергия. Тошкент шаҳрида камида 2 минг мегаваттга яқин қувватли қуёш панелларини ўрнатиш мумкинлиги қайд этилди.

Хусусан, кўп қаватли уйлар, ижтимоий объектлар ва бошқа биноларнинг том қисми, саноат зоналари, автотурагоҳ ва йирик сув иншоотлари ҳудудини қамраб олиш мумкин. Бу чоралар қўрилса, ҳисоб-китобларга кўра, 2023 йилда қўйилаётган 240 миллион киловатт соатлик қўшимча талабни 4 баравар ортиги билан, яъни 1 миллиард 80 миллион киловатт соат ҳажмда таъминлаш имконияти пайдо бўлади.

Президентимиз электр ишлаб чиқаришда давлат монополиясидан кетиб, рақобатли муҳит жорий қилиш зарурлигини таъкидлади. Жумладан, давлат панел ўрнатган тадбиркорлардан электрни кафолатли сотиб олади. Кейинги йилдан эса бошқа истеъмолчиларга ҳам сотиши мумкин бўлади. Аҳоли ўз хонадонидан панел ўрнатса, эҳтиёждан ортқ тармоққа сотган электр энергиясининг ҳар бир киловатти минг сўмдан сотиб олинади.

Шу боис, саноат зоналари ва йирик корхоналарда 400 миллион киловатт соатлик қуёш панеллари ўрнатиш, Юқори Чирчиқ туманида 500 мегаваттлик қуёш электр станциясини қуриш чоралари белгиланди. Ижтимоий соҳа ва давлат идоралари биноларида ҳам қуёш панеллари ўрнатиш, саноат корхоналарида электр йўқотишларини камайтириш, магистрал иссиқлик тармоқлари ва 1 минг 817 та кўп қаватли уйнинг ички иситиш тизимини янгилаш бўйича топшириқлар берилди.

Умуман, шаҳарда қайта тикланувчи энергия жорий қилиш учун 1 миллиард доллар йўналтирилади.

Йиғилишда 2023 йилда пойтахтда аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Янги иш ўринларини яратиш бўйича улкан марраларга эришишда тадбиркорларга таяниш, уларни қўллаб-қувватлаш лозимлиги таъкидланди.

Жумладан, бу йили Тошкент шаҳрида хизматлар соҳасини ривожлантириш учун 20 триллион сўм кредит йўналтирилади, оилавий тадбиркорлик учун 300 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилади.

Шаҳар маҳаллаларида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхшилаш учун 1,4 триллион сўм, шунингдек, “Ташаббусли бюджет” доирасида 573 миллиард сўм йўналтирилиши қайд этилди.

Президент маҳаллаларни обод қилиш, йўллар ва сув иншоотларини таъмирлаш масалаларига ҳам тўхталди. Шунинг учун шаҳардаги 584 та маҳалланинг ҳар бирига бюджетдан қўшимча 1 миллиард сўмдан, жами яна 584 миллиард сўм ажратишга қарор қилинди.

Йиғилишда жамоат транспорти соҳасига яна бир бор эътибор қаратилди. Йўловчиларга қўлайликларини ошириш мақсадида 1 апрелга қадар қўшимча мингта автобус олиб келиниб, 25 та кўчада автобуслар учун алоҳида йўлаклар ташкил этилиши, светофорларни йўловчи оқимида қараб бошқариш, автотурагоҳлар ва паркоматлар ташкил қилиниши айтилди.

Давлатимиз раҳбари қурилишга рухсат берилганда, мавжуд инфратузилмага юклама бўйича аниқ ҳисоб-китоб қилинмаётгани, яшил майдонлар ташкил қилиш ишлари қурилишлар билан ҳамоҳанг олиб борилмаётганини танқид қилди. Шу боис, шаҳарнинг бош режаси тасдиқланмагунча янги қурилишларга мораторий эълон қилинади.

2023 йилда Тошкент шаҳрининг яшиллик даражасини 28 фоизга етказиш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда 100 гектар майдонда боғ ташкил қилиниб, “Тошкент яшил белбоғи” лойиҳаси бошланиши айтилди.

Пойтахтда чикинди билан ишлаш ҳам қоникарсиз экани кўрсатиб ўтилди. “Махсустрас” фаолиятини ислоҳ қилиш, чикиндиларни қайта ишлаш даражасини 50 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Йиғилиш якунида шаҳар раҳбарияти ва туманлар ҳокимларининг ҳисоботи тингланди.

Шу ерда Тошкент шаҳрида хизматларни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш режалари тақдими ўтказилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБОВЕВ,
Ўза мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ СИФАТЛИ ТАЪЛИМДАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ САРИ

Шу йил 7 февралда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, иккита муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури ва ушбу дастурни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб белгиланди. Марказ директори Акмал САИДОВ билан қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик.

— Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим инсонларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик жабҳаларда, умуман, ўз ҳаётига дахлдор қарорлар-

ни қабул қилишнинг барча жараёнларида тўлақонли иштирокини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда жуда муҳимдир, — деди А.Саидов. — Шу маънода, Ўзбекистон Президентининг ушбу соҳани ривожлантиришга доир навбатдаги янги қарори башарият тарихида биринчи марта инсоннинг асосий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурлигини эълон қилган нуфузли халқаро-ҳуқуқий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 75 йиллигини нишонлаш бўйича 2022 йил

10 декабрда бошланган бутун дунё миқёсидаги кампания даврида қабул қилингани улкан аҳамиятга моликдир.

Қарор урта асосий мақсадга эришишга қаратилган.

Биринчи асосий мақсад: Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни янада такомиллаштириш.

Иккинчи асосий мақсад: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ижросини таъминлаш.

Учинчи асосий мақсад: Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга оширишдан иборат.

Маълумки, 2011 йил 19 декабрда қабул қилинган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси БМТга аъзо давлатларга инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбияни таъминлаш ҳамда рағбатлантириш бора-бора муайян масъулият юклайди. Ҳозирга қадар 60 га яқин давлат, шу жумладан, Финляндия, Германия, Корея Республикаси, Туркия, Озарбайжон мазкур декларацияда назарда тутилган тавсиялар бўйича ўз Миллий дастурларини қабул қилган.

Эндиликда Ўзбекистон ҳам улар сафидан муносиб ўрин эгаллади.

Давоми 3-бетда

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

ЭРК ВА УЛУҒЛИК ТИМСОЛИ

Алишер Навоий туғилган кун...

Миллий адабиётимиздаги ушбу қутлуг сана арафасида бобомизнинг мухташам ҳайкали ва барҳаёт номи олдида биз ҳар йили ўзимизнинг амалга ошираётган ишларимиз, орзу-ниятларимиз бўйича маънавий ҳисобот берамиз. Бу жужук набираларнинг пиру бадавлат бобоси билан савол-жавоб қилаётганига ўхшайди.

Давоми 4-бетда



ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 3 февраль куни Наманган вилоятига ташриф буюриб, йирик лойиҳалар билан танишди. Тадбиркорлар ва иқтисодли ёшлар билан мулоқот қилди. “Наманган тадбиркорлар юрти, кичик ва ўрта бизнес марказига айланди... Наманган буюк алломалар, уста тадбиркорлар юрти. Бутун ҳам ёшлар иқтисодиёт, санъат, спорт соҳаларида катта ютуқларга эришмоқда”, дея таъкидлади Президент.

НАМАНГАН — УСТА ТАДБИРКОР ВА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР ЮРТИ

Биз учун Европа бозорларига йўл очилди

Неъматжон ФАТХИДДИНОВ,
Давлатобод туманидаги “Fazman tekstil” корхонаси директори,
“Шухрат” медали соҳиби:

— Президентимиз вилоятимизга ташрифини бизнинг корхонадан бошлади. Тикувчилар билан дилдан суҳбатлашди. Ходимларимиз шарт-шароитлари билан қизиқди. Кейин иккинчи қаватда ташкил этилган дуал таълим марказида амалиёт ўтаётган тўқсон нафардан зиёд касб-хунар мактаблари ўқувчилари билан мулоқот қилди.

Дуал таълим тўғрисидаги қарор айни муддао бўлди. Бугунги кунда Наманган шаҳри ва Тўрақўрган туманидаги тўртта касб-хунар мактаби билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ўзимиз учун малакали кадрлар етиштиряпмиз. Президентимиз Тўрақўргондаги 1-касб-хунар мактаби ўқувчиси Рухшона Толибжонованинг елкасига оталарча қўлини қўйиб, ғамҳўрлик билан: “Қизларим, бизнинг асосий мақсадимиз сизларни бахтли қилиш. Касб-хунар эгаллаб, рисоладагидек оила бекаси бўлишингизни истайман”, деди. Рухшона ҳам шундай йирик корхонада касб-хунар сирларини ўрганаётгани, таълими амалиёт билан уйғун олиб боришига шароит яратиб берилгани учун миннатдорлигини билдирди. Сўнгра Президент корхонамиз бизнес режалари билан танишди. Махсулотларимизни кўздан кечирди. Экспорт имкониятларимиз билан қизиқди.

Корхонамиз 2000 йилда ташкил топган. Илгари шаҳарнинг чеккасида жойлашганди. Ҳозир марказдаги замонавий, барча шароитларга эга бинода фаолият юритапмиз. 600 нафар ишчи меҳнат қияпти. Ўтган 2022 йилда экспорт ҳажми 5 миллион АҚШ долларига етди. Махсулотларимиз Европа стандартларига мос. Германиянинг “Digel” ва “Carl Gross” брендлари билан ҳамкорлик ўрнатилиб, жаҳон бозорларига сифатли костюм-шим сотаяпмиз. Корхонамизга биринчи босқичда қиймати 20 миллион долларлик инвестиция киритди. Германия ва Туркиядан сўнгги русумдаги ускуналар олиб келинди. Шундан 5 миллион доллар

банк имтиёзли кредити. Натижада мингга яқин иш ўрни яратилди. Корхонамиз тўлиқ қувватга эришса, 1 миллион дон кийим-кечак ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади. Жорий йилда ташқи бозорга 15 миллион долларлик махсулот экспорт қилишни режалаштиряпмиз. Кейинги босқичда корхонамиз ходимлари фарзандлари учун болалар боғчаси ва малака ошириш ўқув марказини кенгайтироқчимиз.

2020 йилда Европанинг “GSP+” дастурига қўшилганимиз туфайли биз каби тадбиркорлар учун мазкур қитъа бозорларига кенг йўл очилди. Бу жараёни тезлаштиришда боғхона, логистика ва виза масалаларига доир муаммоларимиз ҳам ҳал этилди.

Дарвоқе, муқобил энергия давр талабига айланмоқда. Биз қуёш панеллари ҳамда дизель ёқилғисидан фойдаланмоқчимиз. Корхонамиз минтақада ягона саналади. Афзаллиги иситиш ва совитиш учун энергиятежамкор технология ва дастгоҳлар билан жиҳозланганидир. Президентимиз корхона фаолиятини янада кенгайтириш бўйича олдимизга аниқ вазифалар белгилаб берди.

бир китобхон учун махсус ID-карта берилади ва рўйхатга олинади. Китобхонлар махсус қурилмалар орқали китобларни бюртма қилиш, олиб кетиш ва яна топшириш имкониятига эга бўлади.

Кутубхонамизда тамадди учун “Book safe” ҳам йўлга қўйилган. Биринчи қаватида “Китобхон болажон — мулоқот майдони” га қулай жиҳозлар ажратилган. Қўзи оқизлар учун Брайль ва овозли адабиётлар бор. Китоблар сотув бўлими ҳам хизмат кўрсатади. Иккинчи қават эса компьютер ва ўқув залидан иборат. Учунчисида IT-парк билан ҳамкорликда ёшларни IT, дастурлашга ўқитиш ва ахборот технологиялари соҳасидаги билимларини ошириш йўналишлари ҳамда “яшил майдонча” ташкил этилган. Кутубхонада ўрнатилган компьютерлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси базасига уланган. Китобхонлар шу ердан туриб Миллий кутубхона орқали дунё кутубхоналаридаги электрон китоблардан фойдаланиши мумкин. Чинакам илм-маърифат қошонаси Туркиянинг “UG Inshaat” масъулияти чекланган жамияти лойиҳаси асосида қад ростлаган.



менга таклиф натижаси бўйича хат ёзасиз”, деди. Мен бу мулоқотдан мислсиз куч ва мотивация олдим. Худо хоҳласа, Ватаним равнақи учун интилишдан асло чарчамайман ва билдирилган ишончини оқлайман.

Учрашув сўнггида Президентимизга жамоавий расмга тушиш таклифини айтганимизда, рози бўлди. “Эртага мана шу сурат имзойим туширилган ҳолда ҳаммаларининг уйлариингизга етказилади”, деди. Ростдан ҳам эртасигаёқ суратларни олдиқ. Вазирлик билан боғландик. Лаборатория учун қанақа жиҳозлар кераклигини ёзиб юборинглар, етказамиз, дейишди. Бионикага мўлжалланган махсус лаборатория нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда илк марта ташкил этилиши экан.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Орифжон Жўраев ёзиб олди.

Раҳмонжон МАМАДАЛИЕВ, Ойбек НАРЗУЛЛАЕВ, Жаҳонгир АҚРАМОВ олган суратлар.

Юртга қайтиб, тадбиркор бўлдик



Дилшод ОТАМИРЗАЕВ,
“Учқўрғон форељ балик” масъулияти чекланган жамияти раҳбари,
“Меҳнат шухрати” ордени соҳиби:

— Вилоят марказидаги “Баркамол авлод” кичик саноат зонасида тадбиркорлар билан ўтказилган очиқ мулоқотда мен ҳам сўзга чиқдим. 14 йил давомида Москвага оилам билан кетиб, балиқчилик билан шуғулланганман. Аёлим иккимиз Ўзбекистонни соғиниб юрардик. Президентимизнинг “Ким тадбиркорларга тўқсинлик қилса, ўзимга душман ҳисоблайман”, деган

гапини эшитиб, юртга қайтдик. Учқўрғонга келиб, 80 сотих майдонда дадил ишга киришдим. Яшаш манзилимдаги Соҳил маҳалласи ҳудудидан Фарғона канали ва Норин дарёси оқиб ўтиши бизнесим учун айни муддао бўлди.



2020 йилдан ҳозиргача 5 гектар майдонда 700 та бетонли ҳовуз қурдим ва 315 та иш ўрни яратдим. Инкубацион цех ҳам қурдик, нархи қимматроқ

турувчи ва салқин севувчи, совуқ ҳавога чидамли хонбалиқ (форель)ни интенсив усулда боқаяпмиз. Жорий йилда 1 минг 300 та ҳовуз қуриб, жами 2 мингтага етказишга ваъда бердим. Худо хоҳласа, ишчилар сонини ҳам

Ниятим туманимиз, маҳалламиздаги ишсизларни банд қилиш эканини, шахсий тажрибамни имкон қадар оммалаштиришга тайёрлигимни айтганимда, Президентимиз: “Авалламбор, менинг номимдан келинимга раҳмат денг. Шунча одамни иш билан таъминлайман, дедингиз. Фидойи меҳнатларингиз, оддий инсонларнинг дунёқарашини ўзгартираётганингиз, мусофирчиликни кўрганингизни инобатга олиб, сизга орден бермоқчиман”, деди ва йиғилиш қатнашчилари ўрнидан туриб, таклифни бир овоздан олқишлади. Ўша лаҳзаларда қутилмаган эътирофдан кўзларимга секин ёшлар келди, ҳаяжондан ўзимни тўхтатолмадим.

Фурсатдан фойдаланиб, Президентимизни балиқхонамга таклиф этдим ва кейинги сафар, албатта, боришини маълум қилди. Қуни кеча туман ҳокимлигидан ўтказилган тадбирда Президентимиз имзолаган янги фармонга қўра, вилоятимиз ҳокими Шавкатжон Абдуразоқов “Меҳнат шухрати” орденини тантанали равишда кўксимга тақиб қўйди. Бу билдирилган юксак ишончни ўз меҳнатим билан оқлашга ҳаракат қиламан.

Компаниям таркибида 27 корхона мавжуд

Олим БОБОХОНОВ,
“Art Soft Holding” компанияси раҳбари,
“Шухрат” медали соҳиби:

— Тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда Президентимиз менга юзланиб: “Ўтган сафар 80 миллион доллар айланма маблағим бор, дегандинг, тўғрими, ҳозир қанча бўлди?” деб сўради ва яна “Қўрқма, айтавер, орта қарама, сенга ҳеч ким тегишмайди, олдинги прокурорлар энди йўқ”, дея самимий оҳангда қўшимча қилди. Бу рақамларимиз 2021 йилги сайловолди учрашувда айтганимни ва қисқа муддатда айланма маблағим 120 миллион долларга етганини билдирдим. Шунда давлатимиз раҳбари: “Мана, Наманганининг оддий бир тадбиркори шунча маблағи борлигини қачон очиқ айта олган? Мен гурурланаман ва фахрланаманки, миллатимдан ўсиб-етишаётган тадбиркорларни бошқача парваришляяпман, улар билан юзма-юз учрашяпман. Шунда силжиш ва жадал ривожланиш бўлади, ҳаёт ўзгаради”, деди.

Компаниямизга 2019 йил сентябрда асос солинган. Компания таркибида 27 корхона мавжуд. Пахтачилик ва ғаллачилик, тўқув, тикув-трикотаж, кафель ва керамика, чинни ва фарфор, қурилиш материаллари тайёрлаш каби фаолият турлари билан шуғулланамиз. Ишчи-ҳодимларимиз сони 5 минг 529 нафар. 400 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция



киритдик. 2022 йилда 53,9 миллион АҚШ доллари қийматидаги 9 та янги лойиҳа ишга туширилиши натижасида 1 минг 300 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.



2022 йилда Германия, Италия, Польша, Хитой, Туркия, Покистон, Россия, Украина, Беларусь, Болгария, Молдова, Латвия, Литва, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларга 31,1 миллион долларлик махсулот экспорт қилдик. 532 миллиард сўмлик калава-ип, тўқув ва трикотаж ҳамда тайёр тикув махсулотлари ишлаб чиқарилди. Сифат кўрсаткичларига оид халқаро сертификатлар олганмиз.

Фарғона вилоятига ташрифда Президентимиз менга кафель махсулотлари тайёрлашни кластер усулида кенгайтириш вазифасини топширди. Банк ва солиқдан, кредит, боғхона ва ижара тўловларидан енгилликлар берилди, қатор имтиёзлар, чегирмалар жорий этилди ва янги қарор билан расман тасдиқланди.

Маърифат ва камолот маскани

Дилноза АЗИЗОВА,
“Янги Ўзбекистон — ёшлар зиё маскани” ахборот-кутубхонаси раҳбари:

— Ишонасизми, Давлатобод туманидаги замонавий ахборот-кутубхонамиз 2021 йил март ойида очилганида “Бир куни, албатта, Президентимиз шу жойга ташриф буюради”, дея дилимга туккандим ва ўша орзум ушалди. Давлатимиз раҳбари зиё масканимизга кириб келганида унга дастлаб фахрий аъзолик ID-картаси ҳамда вилоят китобхонлари номидан Ли Куан Юнинг Сингапур тарихига бағишланган “Учинчи дунёдан биринчи дунёга” китобини тақдим этдим. Шундан сўнг аҳолини, ёшларни кутубхоналарга янада кўпроқ жалб қилиш, китобхонлиқни ривожлантириш учун қандай ишларни амалга ошириш юзасидан таклифлар сўради. Биз нафақат марказларда, балки чекка ҳудудларда, мактабларда илм йўлида жамлайдиган шундай мажмуалар барпо қилиниши айни муддаолигини айтдик.

Президентимиз бундай зиё масканларини таълимнинг барча босқичлари билан боғлаш лозимлигини, хусусан, боғча ва мактабдан тортиб, то коллеж ва олий таълим муассасаларигача узвийликда санъат, маданият, илм-фан билан камраб оладиган мажмуавий масканларни яратиш топширигини берди.

Шунингдек, чет тилларни бепул ўргатувчи “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси тақдироти ва Наманган вилояти ёшлари билан



учрашув кўтаринки руҳда кечди. Президентимиз жамият ҳаётида фаол, бугунги ислохотларга дахлдор йигит-қизларнинг ташаббуслари ҳамisha рағбатлантирилишини уқитиб: “Ўзбекистондаги ҳар бир ёш менинг фарзандим, улар учун барча шароитни қилиб беришимиз керак, токи ўз қизиқишларини атрофдан, бегона ерлардан изламасин, илм-маърифатини ва истеъдодини мана шундай даргоҳларда камол топтирсин”, дея таъкидлади. “Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда”, деган даъват таълимга ҳар томонлама эътибор намунаси ўлароқ, Намангандаги ташриф давомида илгари сурилган таклиф ва кўрсатмалар орқали намоен бўлмоқда.

Шаҳримизнинг муҳташам иншоотларидан бири — уч қаватли зиё маскани бир вақтнинг ўзида 1 минг 200 кишига хизмат кўрсата олади. Кутубхонамизда ўзбек, рус, инглиз ва бошқа ўнлаб тиллардаги 70 мингдан зиёд китоб мавжуд. Кириш қисмида рўйхатга олиш бурчаги, инфокиоска жойлаштирилган. Ҳар

“

Президентимиз бундай зиё масканларини таълимнинг барча босқичлари билан боғлаш лозимлигини, хусусан, боғча ва мактабдан тортиб, то коллеж ва олий таълим муассасаларигача узвийликда санъат, маданият, илм-фан билан камраб оладиган мажмуавий масканларни яратиш топширигини берди.

Шунингдек, чет тилларни бепул ўргатувчи “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси тақдироти ва Наманган вилояти ёшлари билан

Давлатимиз раҳбари таклифимни қўллаб-қувватлади

Асадбек УМАРАЛИЕВ,
Янгиқўрган туманидаги Газдон маҳалласи ёшлар етакчиси:

— Президентимиз ташаббуси билан ўтган йили Наманган вилояти тажрибаси асосида жиноятчиликка мойил ва уюшмаган, ишсиз ёшлар ўн кунлик ҳарбий ўқув йиғинга жалб этилди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Бунга қадар Россияда ишлаб келардим. Хуллас, куча кезадиغان ўсмир эдим. Ҳарбий машғулотларни кузатиб, дунёқарашим, фикрлашим ўзгарди. Янги Ўзбекистон қандай эканини, унга қандай жасур ўғлонлар кераклигини ҳис қилдим ва олдимга улкан мақсадлар қўйдим. Ўз устимда изландим ва Наманган давлат университетига ўқишга кирдим. Маҳаллада жорий этилган



ёшлар етакчиси лавозимига номзодимни қўйиб, суҳбатдан ўтдим. Энди мен ҳам давлат хизматчиси-ман. Ҳаётимда бутунлай ижобий тарафга буриллиш бўлди.

Шу фикрларимни, хушхабарларимни, “Беш ташаббус олимпиадаси”да 21 та ўринни қўлга

киритганимизни Президентимизга айтдим. Шунда мамнулик билан: “Мана, менинг Янги Ўзбекистондаги ислохотчим — фарзандим ўзини ўзгартирибди, ёмон йўлга юрмасдан, бугун шундай лавозимда ишлаяпти”, деди. “Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, менга ўхшаган ёшлар ҳаётини ўзгартириш учун “Жасорат мактаблари” ташкил қилсак. Ўзингиз айтганингиздек, ёшлар хато қилади, лекин хиёнат қилмайди”, деганимда, дарров: “Мана, намуна. Бу йигитнинг ўз тажрибаси, алоҳида платформаси бўлиши, уни барча ёшлар билиши зарур”, дея маъқуллади.

Кеча вилоятимиз ва туманимиз ҳокими маҳалламизга келиб, ота-онамга ва менга ёзиш-ўқишни ўргатган биринчи ўқитувчимга ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалар топшириб кетди.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

66

БМТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИЙ КОМИССАРИ БОШҚАРМАСИ 2021 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ МЕХАНИЗМЛАРНИНГ ТАВСИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ ЎҚИТИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАГАН.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ СИФАТЛИ ТАЪЛИМДАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ САРИ

Бошланиши 1-бетда

— Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга эътиборнинг тарихи ва бугунги ҳолати ҳақида маълумот берсангиз.

— Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни ривожлантириш ҳолати ва истикболлари ҳақида суз борганда, аввало, кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан айна соҳада муҳим ва изчил қадамлар қўйилганини таъкидлаш лозим. Биргина 2019 йилнинг ўзида бу йўналишда катта аҳамият касб этган иккита ҳужжат имзоланди.

Биринчи ҳужжат — Ўзбекистон Президенти 2019 йил 9 январда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони. Мазкур фармон билан Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси тасдиқланди. Унда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали мамлакатимизда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш йўналишлари белгилаб берилди.

Иккинчи ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашлари томонидан 2019 йил 15 июлда қабул қилинган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракатлар дастури. Мазкур дастур ижроси юзасидан “Йўл харитаси” ҳам тасдиқланди.

Парламентимиз доирасида қабул қилинган Миллий ҳаракатлар дастури ва унинг ижроси юзасидан “Йўл харитаси”, биринчи навбатда, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга оширишга қаратилди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш мақсади назарда тутилди. Бугунги кунда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси йиғилишларида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракатлар дастури ва унинг “Йўл харитаси” ижроси бўйича ахборот мунтазам эшитиб боришмоқда.

“Йўл харитаси” 6 йўналишдан иборат бўлиб, 24 бандда белгилаб берилган вазифаларни ўзида қамраган. Утган даврда ушбу ҳужжат ижроси доирасида, жумладан, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари аҳоли орасида умуминсоний қадриятлар, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва унга риоя қилиш тамойилларини оммалаштиришга, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотдан фойдаланишини таъминлаш жараёнига кенг жалб этилди.

— Президент қарориди кўзда тутилган иккинчи асосий мақсад, яъни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ширисини таъминлаш мавзусига ҳам тўхталсангиз.

— Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ва унинг “Йўл харитаси” Президентимизнинг 2020 йил 22 июндаги фармони билан тасдиқланган. Инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши, шубҳасиз, айни соҳада давлат сиёсати самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, шу жумладан, халқаро иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индексларда Ўзбекистонимиз маъкеи яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида фикр юритганда, хусусан, Миллий стратегия доирасида Олий таълим, фан ва инновациялар ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирликларида олий таълим муассасаларида кадрлар, жумладан, судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув марказларида, шунингдек, мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида, академик лицей ва коллежаларда махсус ўқув курсларини жорий этиш бўйича вазифа юклатилганини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 13 мартдаги “Давлат ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий



саводхонлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, давлат ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини ошириш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги қонун қабул қилинган. Низомга мувофиқ, давлат ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигига оид ўқув дастури бўйича ўқув машғулотли материаллари электрон платформа орқали мустақил ўзлаштириб борилади ва ҳар уч йилда бир марта уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражаси баҳоланади.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 майдаги қарори билан 2022-2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқлангани ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Энг муҳими, Президентимизнинг 2020 йил 29 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида асосан, Тошкент давлат юридик университетининг мустақил фаолият олиб боришини таъминлаш, шунингдек, Фанлар академияси тизимида Давлат ва ҳуқуқ институти,

айнан шу қарорга асосан, Миллий марказ ҳузурида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ходимлари учун “Инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасида кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув курслари” ташкил қилинган.

Хусусан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбар ходимларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги малакасини ошириш бўйича “Инсон кадр-қиммати — энг олий қадрият” махсус ўқув модули ишлаб чиқилди. Мазкур модул асосида 2020 йил ноябрь — 2021 йил январь ойларида 40 та вебинар ташкил этилиб, жами 400 нафардан ортиқ раҳбар ходим ўқитилди. Мазкур вебинарларга 9 нафар халқаро тоифадаги мутахассис жалб қилинди.

Шунингдек, Президентимизнинг “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил ноябрь-декабрь ойларида Миллий марказ, Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура билан ҳамкорликда “Қийноққа солишга қарши курашиш: халқаро амалиёт ва миллий тажриба” мавзусида ўқув курслари ташкил этилди. Бу машғулотларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 1 минг 200 нафар тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов фаолиятини амалга оширувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ходимлари иштирок этди.

Ушбу ўқув курслари 2022 йил май ойида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тергов тармоқлари устидан назорат бўлими, ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бўлими прокурорлари учун ташкил этилди. Унда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Марказий Осиё бошқармаси ҳамда Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси экспертларининг маърузалари ҳам тингланди.



ФОРУМДА БМТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҲАМДА БМТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЖАҲОН ТАЪЛИМ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ОРАЛИҚ НАТИЖАЛАРИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ. БУ СОҲАДАГИ ИЛГОР ТАЖРИБА, АМАЛИЁТ ВА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРНИНГ ТАҚДИМОТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ТИЗИМИНИ ХАЛҚАРО, МИНТАҚАВИЙ ВА МИЛЛИЙ ДАРАЖАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ФИКР АЛМАШИЛДИ ВА ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.

— Миллий марказда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим йўналишида олиб борилаётган илмий фаолиятнинг ҳолати қандай?

— 2021 йил 9 декабрда Миллий марказ, Бош прокуратура Академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик университети билан бирлаштирган Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро магистрлик дастури бўйича Олий ўқув юртлиари Консорциуми ташкил этилди. Бош прокуратура Академиясида “Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ” магистратура йўналиши очилди.

Олий аттестация комиссиясининг қарори билан “Олий тоифали илмий ва илмий педагогик кадрлар рўйхати”га 12.00.13 — “Инсон ҳуқуқлари” (юриспруденция фанлари бўйича ҳуқуқ ва социология) мутахассислиги киритилди. Миллий марказда фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) даражаларини берувчи Илмий кенгаш фаолият олиб бормоқда.

— Миллий марказ томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни ривожлантириш борасида яна қандай амалий ишлар қилинган?

— Миллий марказ саяё-ҳаракатлари билан 2021 йил 10-11 декабрь кунлари гибрид форматда “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим: халқаро тажриба ва

миллий амалиёт” мавзусида халқаро конференция ташкил этилган. Ушбу халқаро анжуман 10 декабрь — Халқаро инсон ҳуқуқлари кунини ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қабул қилинганининг 10 йиллигига бағишланди.

Шунингдек, “Инсон ҳуқуқлари: парламент аъзолари учун”, “Парламент ва барқарор ривожланиш мақсадлари” қўлланмалари ўзбек тилида нашр этилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларига тақдим этилди. Мамлакатимизда ilk бор Брайль алифбосида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонуннинг расмий матни нашр этилди.

Утган йил давомида Марказ томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя этиш масалаларига бағишланган 40 дан ортиқ амалий қўлланма, шарҳ ва услубий адабиётлар нашр этилди ҳамда 80 дан зиёд давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларига тарқатилди. Шунингдек, турли йўналиш ва босқичлардаги таълим муассасалари учун “Инсон ҳуқуқлари” фани бўйича ўқув дастурлари тайёрланган.

Бугунги кунда Миллий марказда инсон ҳуқуқлари соҳасида электрон курсларни жорий қилиш мақсадида электрон платформани ишга туширишга тайёргарлик қўришмоқда. Электрон платформада инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш бўйича материаллар жойлаштирилади.

2020 йилдан бошлаб ilk бор ташкил этилган “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тадқиқотлар” мавзусидаги танловлар ўтказилган. Президент қарорига мувофиқ, 2023 йил 1 июндан бошлаб ҳар йили “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни соҳасидаги таълим ва инновациялар” миллий танловини ҳам ўтказамиз.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботида халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилувчи механизмларнинг тавсияларини амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ходимларини ўқитиш бўйича Ўзбекистон билан ҳамкорлигини ижобий баҳолаган.

Ҳисоботида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлида амалга оширган тадбирлари тўғрисида бир қатор маълумотлар қайд этилган. Жумладан:

— ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг 200 га яқин ходими Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва қийноқларнинг олдини олиш бўйича халқаро мажбуриятларини амалга оширишга доир онлайн курсларда;

— инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва фуқаролик жамияти институтларининг 22 вакили ҳаракатланиш эркинлиги чекланган муассасаларда мониторинг уюштириш ва ҳисоботларни тайёрлашнинг халқаро амалиёт ва стандартлари юзасидан ўқув-тренинга;

— нодавлат нотижорат ташкилотларининг 50 вакили инсон ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш, ижтимоий шериклиқни ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро механизмлар бўйича билимларни оширишга бағишланган вебинар ва тренингларда;

— ногиронлиги бўлган шахслар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар, тегишли давлат органлари ва БМТ агентликлари вакилларида 50 нафари ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари бўйича қўшма дастур доирасида тренингларда иштирок этган.

— Президент қарорининг биринчи бандида Самарқанд шаҳрида “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” Глобал форуми ўтказилгани таъкидланган. Шу ҳақда мухтасар тўхталсангиз.

— Мазкур Глобал форумни ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 46-сессиясида илгари сурилди. Шу асосда утган йилнинг 5-6 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” Глобал форуми ташкил этилди.

Форумда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисида-



ги декларацияси ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон таълим дастури амалга оширишнинг оралиқ натижалари сарҳисоб қилинди. Бу соҳадаги илгор тажриба, амалиёт ва инновацион ёндашувларнинг тақдими ташкил этилди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбия тизимини халқаро, минтақавий ва миллий даражада такомиллаштириш бўйича фикр алмашилди ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Глобал форумда 120 дан ортиқ халқаро эксперт ва 2000 дан ортиқ миллий ташкилот вакиллари иштирок этди. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим бўйича адабиётлар қўғазмасида инсон ҳуқуқлари таълимига бағишланган 250 га яқин номдаги мингдан ортиқ китоб ва илмий журналлар намоиш этилди.

Жаҳоннинг турли университетлари етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан мамлакатнинг барча ҳудудларидаги олий таълим муассасалари педагоглари, талабалари, давлат органлари ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, жами 7000 дан ортиқ тингловчи учун инсон ҳуқуқлари бўйича маҳорат дарслари ташкил этилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги Янги Ўзбекистон сиёсати тўғрисида аҳолини ва халқаро жамоатчилиқни хабардор қилиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди. Миллий ва жаҳон ахборот майдонларида 300 дан ортиқ ахборот ва ахборот-таҳлилий материаллар жойлаштирилди. Интернет ва ижтимоий тармоқларда Глобал форум материалларини қўришлар сони 250 мингдан ошди.

Форумда Ўзбекистоннинг инсон қадриятлари, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги сиёсати ва ташаббуслари, Янги Ўзбекистонда кейинги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар юқори баҳоланди.

Глобал форумнинг якуний ҳужжати — **Марказий Осиёда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш бўйича Самарқанд ҳаракатлар режаси** қабул қилинди.

— **Сўхбатимиз бошида Президент қарорида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини давом эттириш асосий мақсадлардан бири этиб белгиланганини қайд этгандингиз. Бу борада нима ишлар қилинди?**

— Бунда Жаҳон таълим дастури инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича миллий саяё-ҳаракатларни муайян секторлар ва муаммоларга йўналтирилган кетма-кет босқичлардан иборат эканига эътибор қаратиш зарур. Хусусан:

Биринчи босқич (2005-2009 йиллар) — бошланғич ва ўрта мактабларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим билан боғлиқ бўлган;

Иккинчи босқич (2010-2014 йиллар) — олий таълим тизимида ҳамда ўқитувчилар ва мураббийлар, давлат хизматчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва ҳарбийларни касбий тайёрлаш дастурида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга бағишланган;

Учинчи босқич (2015-2019 йиллар) — эркин, мустақил ва плюралистик оммавий ахборот воситаларининг адолатли тарғиб қилиш, камситишларга йўл қўймаслик, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишдаги муҳим ролини эътироф этган ҳолда, инсон ҳуқуқлари соҳасида ОАВ мутахассисларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, 2020 йилдан 2024 йилга қадар Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг ёшларни тенглик, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва камситмаслик руҳида тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган, инклюзив, тинч ва оқсоғишта жамиятни яратишга имкон берадиган тўртинчи босқичи амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда бу борадаги чора-тадбирларни самарали амалга оширишда Президентимизнинг 2021 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссияни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши муҳим дастуриламал бўлди.

Шу ҳужжат асосида халқаро шартномалар ва стандартлар нормаларини, БМТнинг ҳуқуқни ҳимоя қилувчи тузилмалари тавсиялари, шунингдек, ўзбек жамиятининг тарихий, миллий ва маданий қадриятларини ҳисобга олган ҳолда, **Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури**ни ишлаб чиқиш назарда тутилган. Мана, кунини кеча Президент қарори билан мазкур **Миллий таълим дастури ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”** тасдиқланди.

Миллий таълим дастури БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидалари ва мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни янада такомиллаштириш, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга оширишга қаратилган. Унинг лойиҳаси БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси ва БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари бўйича қўмитаси вакиллари ҳамда миллий экспертлар иштирокида муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари тасдиқлаган Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури асосида:

— 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб профессионал ва олий таълим тизимида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” бўйича ўқув ва махсус курслар жорий этилади, шунингдек, туркум қўлланма ва рисоалар тайёрланиб, чоп этилади ва шу асосда семинар-тренинглар ўтказилади;

— терговга қадар текширув, суриштирув, тергов органлари ва жазони ижро этиш муассасалари ходимлари учун қийноққа солишга қарши курашиш бўйича ўқув курслар доимий равишда ташкил этилади;

— раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглиги бўйича ўқув курслари жорий қилинади;

— инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш бўйича электрон платформа яратилади ва ушбу платформа орқали ўқув курслар ва семинар-тренингларни “онлайн” ўтказиш мумкин бўлади;

— “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлар соҳасидаги таълим ва инновациялар” Миллий танлови ҳар йили ўтказиб борилади;

— Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ахборот-кутубхона марказларида “Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги адабиётлар бурчаги” ташкил этилади. Унинг фонди доимий равишда халқаро шартномаларнинг давлат тилидаги тўпламлари, соҳа бўйича ўқув, илмий-усlubий ва халқаро нашрлар билан таъминлаб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорининг қабул қилиниши БМТ Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи доирасида белгиланган вазифалар мамлакатимиз томонидан тўлиқ амалга оширилишига, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кундалик ҳаётда уларга риоя этиш бўйича зарур қўнимка ва малакаларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Ғулом МИРЗО сўхбатлашди.

ЭРК ВА УЛУҒЛИК ТИМСОЛИ



Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси раиси

“Янги Ўзбекистонимизда адабиёт, маънавият, илм-фан ва таълим-тарбияга давлат миқёсида бу қадар юксак эътибор қаратилаётгани бекиз эмас. Чунки Президентимизнинг ўзи буюк адабиётимиз, хусусан, Навоий ижодиётига чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан қарайди. Шу боис, Навоий бизнинг кундалик маънавий-ижтимоий ҳаётимизнинг бош қаҳрамонига айлангани ҳам айна ҳақиқатдир.

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг эзгу ғояси ва ташаббуси билан адабиётимиз сарбонининг улғувор ҳайкали қилба томонга юзлантириб қўйилган тарихий кунлардан буюн биз нафақат таваллуд кунлари, балки йил давомида — ҳар кун, ҳар соат ул улғу зотининг бой ва бетимсол адабий меросига қайта-қайта мурожаат қилишга, ўқиб-англашга ва тарғиб этишга ўрганиб қолдик. Ҳазратнинг ўзи “**Ҳар кунинг ўлсин Наврўз**” деганидек, Навоий асарлари мутлоаиси бизнинг ҳар кунги маънавий Наврўзимиздир.

ҲАЗРАТ ДАҲОСИ ҲАМОН ТИЛИМИЗНИ БОЙИТИШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Абдулҳай СОБИРОВ,
Андижон давлат
университети профессори,
филология фанлари доктори



Дунёда ўзига хос лексик жамғарма-си, грамматик қурилиши, функцонал-услубий хоссалари билан ажралиб турадиган тиллар кўп. Улар орасида ўзбек тили ўз нуфузи ва қадим тарихи билан алоҳида ажралиб туради. Она тилимизни шу ҳолатга олиб келган, унинг шон-шарафи учун курашган улғу зотлар истаганча топилади. Бу борада Мир Алишер Навоий ва Захриддин Муҳаммад Бобур алоҳида ажралиб туради.

Алишер Навоийни “улғу мутафаккир шоир”, “ғазал мулкининг султони”, “эски ўзбек адабий тилининг асосчиси”, Захриддин Муҳаммад Бобурни “ҳар ва диёр кўйчиси”, “давлат арбоби”, “ҳарбий саркарда”, “ҳассос шоир” каби сифатлар билан улғулаш анъанасага айланиб қолган. Улар бетақдор ва ўлмас асарлари билан нафақат эски ўзбек адабий тили шаклланиши ва тараққий этишига пойдевор қўйиб кетди, балки она тилимизнинг сўз бойлигини, ундан фойдаланиш коэффициентини янги сифат босқичига кўтарди. Ўзбек адабиёти тарихида ҳеч ким туркий (ўзбекча) сўзлардан улғулаш кўп ва ўринли фойдаланмаган. Сарой аёнларидан тортиб, каттаю кичик ижодкорлар, олиму фузалопаргача арабий ва форсий тил таърифига маддоҳлик ҳукм сурган шароитда Алишер Навоий ва Захриддин Муҳаммад Бобур туркий тилда балиқ сувда ўзини қандай эркин тутса, ушандай бемалол, ҳадсиз меҳр-муҳаббат билан ижод қилди.

Бобур таърифи билан айтадиган бўлсак, Алишер Навоий “туркий тил билла то шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўп айтқон эмас”.

Жаҳон адабиёти намояндалари қўллаган сўзларни бир-бирига солиштирадиган бўлсак, қуйидагича манзара ҳосил бўлади. Инглиз тили Оксфорд лугатида 400000 сўз қиритилган бўлиб, Уильям Шекспир ўз асарларида уларнинг 21 мингтасидан унумли фойдаланган. Бу лугатга қиритилган жами сўзларнинг 5 фоизини ташкил қилади. Мигель де Сервантес томонидан қўлланган 18 мингдан ортиқ сўз 76 минг сўздан иборат “Испан тили изоҳли лугати”нинг 23 фоизини ташкил этади. А.С.Пушкин асарларида қўлланган сўзларнинг миқдори 21197 та. Бу 120480 та сўздан иборат “Рус тили изоҳли лугати”нинг 17,5 фоиз демакди.

Шоир асарларининг лексикаси устада узоқ йиллар давомида илмий изланишлар олиб борган Б.Б.Розенберг

адл оламда тутмас вужуд, Пушаймонлиг эмтас бу оламда суд”, дебон дунёнинг меҳвари фақат яхшилик ва адолатдан иборат эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Янги Ўзбекистонимизда адабиёт, маънавият, илм-фан ва таълим-тарбияга давлат миқёсида бу қадар юксак эътибор қаратилаётгани бекиз эмас. Чунки Президентимизнинг ўзи буюк адабиётимиз, хусусан, Навоий ижодиётига чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан қарайди. Шу боис, Навоий бизнинг кундалик маънавий-ижтимоий ҳаётимизнинг бош қаҳрамонига айлангани ҳам айна ҳақиқатдир.

Ўқиб-ўрганиш ҳаммамиси учун ҳам қарз, ҳам фарз. Кейинги пайтда замоннинг шарофати билан ноширлик ишлари ва китобхонлик кенг ривожланмоқда. Бу яхши ҳолат, албатта. Лекин бир хавотирли урф ҳам пайдо бўляптики, Навоий ижодини жўнлаштириш, асл мазмундан чекиниб, ҳою ҳавас ва сохта обрў йўлида “хизмат” қилаётган табдилчиларнинг пойинтар-сойинтар ишларини ҳам айтиб ўтмоқ жоиз, деб ўйлаймиз. Бул ҳаваслик ҳунар эмас,



албатта. Афсуски, ушбу ажабтовур ишга ўзимиз ҳам ҳисса қўшаётганимиз янада ажабланарлироқ...

Замонавий ўзбек шоирлари, ўтиб кетган устозларимиз Навоий ижодида муттасил мурожаат қилиб келган. Ул шариф зотга бағишлаб ёзилган шеър достонларнинг ўзи бир улкан қўлпўт бўлади. Мисол учун, бу йил таваллудининг 120-санасига тайёргарлик қўраётганимиз — академик шоиримиз Фафур Ғуломнинг қуйидаги сатрлари барчамизнинг юрагимиздан жой олган:

Дурахшон юлдузлар сари ўқирган
Бўйида занжир қалб озоод шер,
Инсоний муҳаббат меҳри-ла вафо,
Эрк ва бахт тимсоли улғу Алишер...

Алишер Муштарий юлдузи каби
Ўзбек осмонида балқиган чоғи
Яна бир муқтарам ўғил кўраёндай
Каттароқ очилди олам кучоғи.

Устозимиз Абдулла Орипов эса шоғирлик эҳтиромини бундай сатрлар билан изҳор этади:

Бойқаро қирғишлаб истак отида,
Дунёга боққанда мисли бола шер.
Хирот дарвозасин бир қанотида
Шеърӣ лашкарини тизган Алишер.

Алишер Навоий замон эврилишлари ва тақдир тақозоси билан йигитлик даврининг икки-уч йиллини Самарқанд шаҳрида ўтказган. Рўйи замин сайқали бўлими Самарқанд тупроғида муборак излари қолган.

Бугунги кунда Навоийнинг юксак умумбашарий ғоялари ва оламшумул орзу-ниятлари айнан шу шаҳарда ҳам ўз рўйини топмоқда. Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқандда ўтказилган саммити бунинг аққол ифодасидир. Анжуман доирасида “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жилдда муқташам наشري амалга оширилиб, тақдироти ўтказилди. Унда Навоий ижодида ҳам кенг ўрин берилган. Аниқ-са, Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотга улғу адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов муносиб қўрилгани ҳамда Президентимиз томонидан мукофот ушбу анжуманда Қирғизистон Президентига тантанали топирилгани жаҳоншумул воқеа бўлди.

асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади”.

Шу маънода, мамлакатимизда буюк аллома номи билан аталувчи шаҳар, қўчалар, таълим масканлари, истироҳат боғлари, киносаройлар, театрлар, стипендия ва мукофотлар сон-саноксиз. Бу, албатта, миллий гуруҳни, авлодларимиз онига Навоий даҳосининг нақадар улғуворлигини синдиришга хизмат қилиши табиий.

Шунингдек, бугунги глобаллашув жараёнлари, хусусан, инглиз тилининг ўзбек тилига таъсири натижасида кейинги йилларда Navoiy MOGO, Navoiy LADA, Navoiy sifat gold, Navoiy gold textile, Navoiy gold apple, Navoiy gold plast, Navoiy gold mining company, Navoiy Gold Dizayn, Navoiy Farrux Gold сингари корхона, ташкилот номлари пайдо бўлди.

Буллар эса Навоий даҳосининг мамлакатимиз доирасидан чиқиб, жаҳон миқёсига кўтарилганидан далолат бериш баробарида аҳдоларимиз билан фахрланишдек миллий гуруҳимизни ҳам жаҳоний даражада юксалтиради.

Муҳтасар айтганда, Навоий миллиятимиз ифтихори, маънавиятимизнинг сўнмас юлдузи сифатида нафақат ўзбек адабиёти, маданияти ривожига, балки ўзбек тилшунослиги, саноати, кишлоқ хўжалиги, иқтисоди ва бошқа соҳалари тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшишда давом этмоқда. Зеро, бундай зотларга икки дунё саодати насиб этган бўлади. Унинг олдида ҳамиша таъзимдамиз.

Ўз вужудингга тафаккур айлагил, Хар не истарсен, ўзунгдин истагил.

Алишер НАВОИЙ

НАВОИЙГА БАҒИШЛАНГАН ОЛТИН КИТОБ




Зухриддин ИСОМИДДИНОВ,
Ўзбекистон — Қирғизистон
дўстлик жамияти раиси

Буюк британиялик олима Анетта Сусанна Бевериж ва унинг эри Хенри Бевериж Захриддин Муҳаммад Бобур деб умр ўтказгани, ҳатто бисотларидаги улкан денгиз кемасини сотиб, пулини белга тукканча Бобурдан тўрт асрача кейин айнан у юрган йўлдан юриб, изларини излаганини эшитганмиз.

Айлама ўз раъйингга кўп эътиқод, Муътамад эл раъйидин иста кушод.

Алишер НАВОИЙ



Ўтган йили Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида хизмат сафарига юрак эканман, қирғиз дўстларимизнинг Ўзбекистонда юз бераётган катта ўзгаришлардан ҳайратга тушиб, ўзимиз каби суюнгани, ҳатто фахрланиб, бир-бирларига айтиб юрганига гувоҳ бўлдим. Албатта, яйрайсан, гурурланасан киши.

Ана шундай хопис дўстларимиздан бири Жўлдошбек Монголдороров деган оддий бир қирғиз йигити бўлиб чиқди. У дов-дарактларга кўмилган сўлим Бишкек шаҳрининг бир бурчида истикомат қилади. Тирикчилиги — автомобиль эътиёт қисмларини келтириб сотиш. Хуллас, бизнес.

Нима қилибди, унақа одамлар минглаб-ку, дейиши мумкин кимдир. Жўлдошбекнинг улардан фарқи шунки, топган пулини маданият, маърифат учун сарфлайди. Бадий сўзга ихлоси баланд. Шу сабабдан норасмий равишда Қирғизистон Ёзувчилар уюшмасини ҳам қўлдан келганча “оталиққа” олган: ҳукумат бир сўм ҳам пул ахратмайдиган бу ташкилотнинг кўп харажатлари шу

озар, олмон, поляк, рус, серб, татар, тожик, турк, туркман, украин, фаранг, форс, чех, япон, ўзбек, қирғиз, қозоқ, ҳинд тилида, ўз алифбосида келтиради.

Мен ҳавас ва ҳайрат билан қўлга олганим бу нашр гарчи “Марказий Осиёнинг олтин китоби” деб номланган эсада, унда дунёнинг 200 дан ортиқ назм устаси Навоийга атаб ёки Навоийдан рухланиб битган шеърлар, достонлар ҳам бўлган. Шу маънода, бу китобнинг ўзи ҳам глобал аҳамиятга эга маданий ёдгорлик бўлибди, десак хато бўлмас. Қолаверса, шундай улкан лойиҳа 2020-2021 йиллар орасида — пандемия боис, аксар мамлакатларда одамлар кўчага ҳам чиқмай, уйда қолиб яшаган бир шароитда амалга оширилган.

Бу каби китоблар яратилаётгани мутафаккир шоир ижоди меросхўрлари саналадиган ўзбек зиёлиларини мамнун қилишди, албатта. Шу билан бирга, улар донишманд шоир ижодини ўқиб-ўрганиш дунё миқёсида тобора кенгайиб бораётганидан ҳам ўзига хос дарақдир.

Ушбу “олтин китоб”нинг яна бир фазилати ҳақида ҳам айтиб ўтайлик. Унда дунё шоирларининг, атоқли давлат ва жамоат арбобларининг Алишер Навоийга, ўзбек халқига ва Ўзбекистонга меҳр-муҳаббат, иззат-эҳтирмини ўзига хос бир “антология” биз ундаги барча шеърларни Жўлдошбекдай саришталик билан ўз аслигида дарж эта олмасмиз. Аммо бу қадар зўр меҳнат ва изланишлар натижаси бўлиб дунёга келган юзлаб шеърларни тилимизга лоақал таржима қилиб олсак, Навоий даҳосининг халқаро майдондаги шукуҳи кўз ўнгимизда яққолроқ намоён бўлишига шубҳа йўқ.

Ана шундай ғояларни рўёбга чиқариш учун барча туркий халқларнинг энг улғу шоири Навоий деб, ўзбек халқи деб, вақтини, кучини, маблагини аямая жонфидолик қилаётган қардош дўстларимизга таҳсин айтишимиз эса Алишер Навоий таваллуди нишонланаётган шу кунларда жуда ўринли бўлади, албатта.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz.official



yuz.official

Мир Алишер Навоий таваллудининг 582 йиллиги

ХАЛҚ ШОИРИ

ЁХУД КОМИЛЛИК ФАҚАТ ЎЗИНГГА ЭМАС, ОДАМЛАРГА МАНФААТ ЕТИШИДИР

Хазрат Алишер Навоийни улуглики макомига кўтарган, ҳамма замонлар кишиларига замондош қилган омил нима? Бундай омиллар жуда кўп, албатта. Аммо шулар ичида энг кучлиси, агар шундай дейиш мумкин бўлса, “халқпарварлик, инсондўстлик”, деган бўлардим.

Нодира ОФОҚ,
филология фанлари доктори



Инсон манфаати, халқ манфаати... Алишер Навоий ижоди ва фаолиятининг бош шiori ҳам, шоирни жаҳоний даҳолар сафига қўйган ҳам ана шу жавҳардир. Бу ҳақиқат қатор олимларнинг тадқиқотларида исбот этилган. “Хайрат ул-аброр”дан ҳаммамизга деярли ёд бўлиб кетган қуйидаги байтни эслайлик:

*Одаий эрсане, демагил одаму,
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.*

Яъни, халқ ғамига бепарво бўлган, халқ ғамини емаган кишини одам санамай! Бу шунчаки ўйлаб топилган чиройли гап эмас, унинг жозиб кучи айтилган гапнинг муаллиф ҳаёт дастури ила мувофиқ эканида. Ижодкор шахс, магарки, тийнатида олиё даражадаги инсонпарварлик билан, одамларга жибиллий муҳаббат ва ҳамдардлик билан турғилмаган бўлса, уни амалиётга айлантирмасан, шундай ёзиши ҳам мумкинми-у, лекин у битикнинг таъсир кучи ҳам бўлади.

Инсон манфаати, халқ манфаати... Бу тезиснинг кенг манзараси шундай: Навоий Хазрат ўзларини элнинг кичик бир бўлаги, халқ деган маҳобатли бутуннинг қисми деб билганлар. Халқ ҳаётини ўз ҳаётлари ўлароқ қабул қилганлар. Халққа келган яхшилик ҳам, мусибат ё зулм ҳам ўз ҳаётларида акс-сано беришини ичдан ҳис этганлар.

“Нафъинг агар халққа бешактурур, Билки, бу нафъ ўзинга кўпрактурур” — бу ҳикмат алоҳида шахс ҳаётини омма ҳаётидан айро тасаввур қила олмаслигининг икромидир. Яъни баъзан бирор ишни халқ учун қилганда, бундан менинг шахсий ҳаётимга умуман фойда йўқ, деган даъвода бўламиз. Аслида эса, деярли Навоий бобомиз, ҳар неки иш қилибсан, унинг фойдаси халқдан аввалроқ ўзинга, халқдан кўпроқ ўзингдир! Халқпарварлигининг чин қондаси, аслида, шундай: ўз манфаатининг умум манфаати ичда кўра билиш, шахсий манфаатининг умум манфаатидан узилган-айрилган ҳолда мавжуд бўлолмаслигини аниқлаш, уларнинг бирига иккинчисидан астуллик бермаслиқдир. Бунга олиёҳий ҳўкм маъноси синдирилган: зотан, Аллоҳ инсонларни жамоат бўлиб, тенглик билан яшашга буюрган.

Хазрат халқни бениҳор чуқур ва юксак, бетама муҳаббат ила севган. Бу муҳаббат, мутафаккир адибнинг асарларида ифода этилган чуқур-чуқур ғоялардан ҳам олдинроқ, халқ ҳаётини яқиндан билганликда, унинг энг майда жиҳатларига ҳам бефарқ эмасликда намоён бўлади.

Аслида ҳам шундай: биз кимники — фарзанд ё севгилимизиники, дўст ёҳуд ота-онамизиники қаттиқ яхши кўрсак, у кимсаннинг табияти, нимани яхши ёки ёмон кўриши, одат қиликлари, кийими, орзу-интилишлари, инжиқликлари, ҳамма жиҳатларини кузатамиз, яхши билиб оламиз. Ўша инсонга дохил ҳар нени диққат марказимизда тутамиз. Унга нисбатан ҳеч-ҳеч бепарво бўлолмаймиз. Хазрат Навоий ҳам қаттиқ яхши кўрганидан халқ ҳаётини икир-чикирлари қадар билган. Шоир ижодида шундай байтлар, манзаралар учрайдики, бир қарашда эътиборни тортмайди, шунчаки ташбеҳ, майда-чўйда нарсаларга ўхшаб кўринади. Масалан, қуйидаги байтга қаранг:

*Тикти кўксим чокину, тийгин танимда қилди гум,
Эл эшикни қулф этиб, туфрокқа кўмгандек қалиб.*

Байтнинг маъноси шундай: ёр ишқу ҳижрондан пора-пора бўлган кўксимни тикки-да, нинани танамга яшириб қўйди — бу худди одамлар уйни қулфлаб, қалитни тупроққа кўмиб-яшириб кетганига ўхшайди.

Албатта, байт ишқий мазмунда. Ҳозир эса бизни ташбеҳга тортилган ҳолат қизиқтирапти. Демак, шоир яшаган замонларда одамлар уйни қулфлаб, қалитни тупроқ остига яшириб кетганлар, бу одат ҳозир ҳам учраб туради. Жуда назарга илинмайдиган, шеърдан жуда узоқдек туюладиган маъний бир манзара. Алишер Навоийдай улўғ шоир, давлат арбоби халқ турмушининг оддийдан-оддий мана шу жуъзини ҳам

эътиборида сақлаган ва уни ниҳоятда нуқтадонлик билан шеърга олиб кирган. Ижодкор шахс халқини жон-дилдан севмаса, ўзини унинг бир зарраси санамаса, турмушнинг бу хил назарноғир нуқталарига эътибор ҳам бермайди, уни икир-чикир санаб, шеърга раво кўрмайди.

Бошқа байтда:

*Сайлдин томға нишаст ўлғанидек,
дайр ичра*

Бода сайлобидин ўлди мени

вайронга шикаст,

деб ўқиймиз. Байт ҳам, ундаги бодамай образи ҳам тасаввуфий маънога эга. Мазмуни: майни шунчалар кўп ичдимки, азалдан вайрон бўлган таним унинг кўчидан шикастланди. Бу худди ёмғир кўп ёққанда, шусиз ҳам хароба бўлган қулбанинг томи шикаст этганига ўхшайди.

Навоий бобо селда томи тешилиб, чакка ўтадиган қулбада яшамаган, албатта. Аммо юзлаб-минлаб одамларнинг фақиру забун ҳаётидан бохабар бўлган. Кўпчилик элнинг қўли қалтиги, турмушнинг анчайин муаммолари қаршисида ҳам ночизу оқиллигини билган, уларнинг фақир ҳолини, дарду ҳасратини ўз танида ҳис этган. Мана шу туйиш, куйишнинг натижаси бўлиб, оддий халқ ҳаётига оид тафсилотлар шоир шеърлари сатҳига кўчим ўлароқ қалқиб чиққан. Шубҳа йўқки, Навоий ҳар доим салтанат юмушлари, ижод билан қаттиқ банд бўлган, ҳаёти ҳам силлиқ, осоийш кечмаган, албатта. У сиёсат, ҳарб, илму фан, санъат, адабиёт каби ҳодисалар хос кишиларгагина дахлдор деб ҳисобланган тарихий муҳитда, юқори табақа ичида яшаб, оддий одамлар билан ҳар кун ўтириб-турмагани аниқ. Шунга қарамадан, халқнинг инончу ирим-сиримларига, нозик қочириму ибораларига-ча яхши билган. Бир ғазалда ўқиймиз:

Сориг оғриг бўлдум, эй соқий,

ҳазони ҳажр аро,

Қони сориг май, ки бор

ҳар қатраси бир қаҳрабо.

Суд эмиш кўз тушса

асфар жинси сори, ваҳ, қани

Сарвинозимким, сориг

гул барғидин куймиш қабо.

Ҳижрон туйғули сарик касалига йўлқан ошиқ шифо ахтаряпти. Ошиқ йўқил бир одам-да, нима қилсин эди... Бу вазиятда табибу ёмдорларга имкони йўқ бечора халқ нима қилади? Ирим-сиримга ёпишади. Дарди арисин деб, беморининг қўлига қаҳрабо мунчоқ тақади, сарик тусли нарсаларга термултириб қўяди... Бу иримлар ҳатто ҳозир ҳам бор. Ҳазрат-ку, хаста бўлсалар, саройининг энг яхши табиилари қўлида даволанган, қуни иримга қолмаган. Лекин қарангки, чорасизнинг чораси қабилдаги “муолажа”дан ҳам хабардор, уни ҳатто кироий билиб, шеърга олиб кирган!

Элдошларини уларнинг турмушига оид шу тахлит майда-чўйдаларга билиш ва хотир пештоқида сақлаш даражасида севган шоир, табиийки, қатта ижтимоий ҳақиқатларни ҳам бир маҳрам даражасида аниқлаган, тахлил қилган, ёзган, уларга ечим излаган.

Халқ ҳаёти, унинг дардлари, эл бошида турган сўлтонлару бекларнинг халқ билан муносабати, мулоқоти масаласи, хусусан, шоирни қаттиқ безовта этган. “Фарҳод ва Ширин”да ўқиймиз: “Эурсен шох — агар оғохсен сен, Агар оғохсен — шохсен сен”. Ўзбекистон Қҳрамони Суйима Ғаниева айтганидек, бу байтдаги оғохлиқнинг маъноси кўп, албатта. Шулар ичида халқнинг ҳолидан оғох бўлиш маъноси ҳам бор ва у етакчи маънолардан биридир, десак адашмаймиз. Халқ аталмиш улкан инсоннинг иссиги нега чиқяпти, қаери оғрияпти, нега оғрияпти, унинг чеҳрасига нимадан табассум инади, нима ёғиси келяпти, унинг тийнатидаги қусуру нуқсонни нима, уларни қандай тузатса бўлади... Шуларни билмасдан туриб, халққа раҳнамолик қилиб бўлмайди. Унинг дардлари, муаммоларини билган, уларни ечишга, енгиллатишга бел боғлаган



кишигина раҳбар бўлмоққа муносибдир. Бу байтнинг хулосаси шу.

Мана бу байт эса ижодкор яшаган ижтимоий муҳитда инсон ҳаётининг, тақдири ва орзу-интилишларининг ҳасдек арзимас бўлганидан дарак беради:

Даврон санга зулм этмас,

қадахлар тўла май ич,

Қон ютсанг, аёллар тўла

давронга не парво?

Даврон — мавҳум тушунча эмас. Зеро, қархи фалак, даврон, замон дейилади-ю, аслида, одамга зулмини одам қилади. Одамни одам йиғлатади. Одамни одам хўрлайди, маҳв этади... Азалдан онгимизга бир ёқламароқ бир қараш ўринлаган: юқори пастга зулм қилади. Аслида-чи? Аслида, пастдагилар ҳам юқоридагиларга, бир-бирига-да, ўз-ўзига-да зулм қилиши мумкин. Раҳбар-

ларининг эзгу ғояларини, амалларини қўллаб-қувватламаслик, хайрли ишлар рўёбига ҳалақит бериш, бўлар-бўлмас даъволар, шикоят-жанжаллар, қилинаётган ишларни ноҳақ қоралаш — элнинг ўз раҳнамоларига зулмидир.

Тўхмат, ёлғон, текинхўрлик, бошбошдоклик, молпарастлик, ҳирсу ҳавас, исроф, ҳўжакўрсинчилик, дангасалик қабилар эса одамларнинг бир-бирига, ўз-ўзига зулмидир.

Навоий йирик эпик асарларида ўзи яшаб турган жамятга оид танқидий қарашларини турли сюжетлар воситасида ифода этган. Бутун кўчини эл манфаатига йўналтирган Фарҳоднинг, юксак инсоний тузилманинг соҳиб бўлган Лайли ва Мажнуннинг охи-оқибатда ҳалокатга маҳкум бўлиши, аслида, мутафаккир шахснинг даврга берган баҳоси ўлароқ қабул қилиниши лозим. Хусусан, шох Баҳром тақдирининг фожиали якунида мутлақ ҳўкимиятга асосланган ижтимоий тузилманинг ноёблигига, бундай тузумда ҳеч ким, ҳатто мансаб ва мулк соҳибларининг ўзи ҳам бахтли бўла олмаслигига ишора бор. Давр ва тузум моҳиятини шу тахлит кўрсатиб берган шoir мажоз йўли билан фақир (халқ)нинг кўчини ҳам тўғри баҳолайди:

Шах сипах чекса,

фақир аҳволига етмас футур,

Бу вале чеккан нафас,

барбод ўлур ҳашмат анга.

Яъни шохнинг ҳарбий юришларидан дарвеш-фақирнинг аҳволига путур етмаслиги мумкин, аммо фақир оҳ чекса (ёки кўзгалса), бутун шохлик барбод бўлиши ҳеч гапмас.

Навоий бобомизнинг умр шомида “Маҳбуб ул-қулб”ни битгани ҳам тасдиқ эмасдек. Шоир бир умрлик мушоҳадаю мулоҳазалари, аниқлаш-ўққанларини, ҳаётини ва ижодий хулосаларини шу асарда мужассам этди. Китобнинг энг қатта бўлимида подшоҳдан тортиб гадогача, дарвешдан тортиб лўлигача, деҳқондан тортиб сипоҳийгача, санъаткордан тортиб олибсотаргача — ҳуллас, жамятнинг деярли барча табақаларига таърифу тавсиф берилади. Шоир аҳли жамят хусусидаги хулосаларини баён этади, керак бўлса, уларнинг вазифаларини белгилаб беради.

Хазрат мусофирликда, Ватан соғинчида кечган ҳасратли кўнларида — эҳтимол Самарқанд ёки Астроабда маҳзун соғинч ва ички бир қайғу билан қуйидаги рубоийни битди:

Ўлсам ясаманг мунда

мазоримни менинг,

Юклуб элтигн жисми

фигоримни менинг.

Ўтру чиқариб ахли

қўйда қўюнг тани

низоримни менинг.

Шубҳасиз, жуда оддий, жуда ички инсоний орзу-ҳасратни ифода этган бу сатрлар Алишер Навоий халқномасининг финали, жавҳари, муҳтасар айтаганда, ўз элини бутун жисму жони ила севган шоирнинг васияти ўлароқ жаранглайди.

Алишер Навоий ижодининг марказий масаласи, шубҳасиз, компи инсонга оид. Комиллик бизнинг бутунги глобал дунёимизда ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ. Нега дейсизми? Аввало, глобаллашувнинг муҳим ва яхши жиҳати бор: унда алоҳида тақдирлар йўқ. Ҳар бир одам гўё бутун инсоният ҳаёти учун масъул бўлиб қолгандек. Шу боис, халқлар, давлатлар, одамлар умумжамоа

ларининг эзгу ғояларини, амалларини қўллаб-қувватламаслик, хайрли ишлар рўёбига ҳалақит бериш, бўлар-бўлмас даъволар, шикоят-жанжаллар, қилинаётган ишларни ноҳақ қоралаш — элнинг ўз раҳнамоларига зулмидир.

Тўхмат, ёлғон, текинхўрлик, бошбошдоклик, молпарастлик, ҳирсу ҳавас, исроф, ҳўжакўрсинчилик, дангасалик қабилар эса одамларнинг бир-бирига, ўз-ўзига зулмидир.

Навоий йирик эпик асарларида ўзи яшаб турган жамятга оид танқидий қарашларини турли сюжетлар воситасида ифода этган. Бутун кўчини эл манфаатига йўналтирган Фарҳоднинг, юксак инсоний тузилманинг соҳиб бўлган Лайли ва Мажнуннинг охи-оқибатда ҳалокатга маҳкум бўлиши, аслида, мутафаккир шахснинг даврга берган баҳоси ўлароқ қабул қилиниши лозим. Хусусан, шох Баҳром тақдирининг фожиали якунида мутлақ ҳўкимиятга асосланган ижтимоий тузилманинг ноёблигига, бундай тузумда ҳеч ким, ҳатто мансаб ва мулк соҳибларининг ўзи ҳам бахтли бўла олмаслигига ишора бор. Давр ва тузум моҳиятини шу тахлит кўрсатиб берган шoir мажоз йўли билан фақир (халқ)нинг кўчини ҳам тўғри баҳолайди:

Шах сипах чекса,

фақир аҳволига етмас футур,

Бу вале чеккан нафас,

барбод ўлур ҳашмат анга.

Яъни шохнинг ҳарбий юришларидан дарвеш-фақирнинг аҳволига путур етмаслиги мумкин, аммо фақир оҳ чекса (ёки кўзгалса), бутун шохлик барбод бўлиши ҳеч гапмас.

Навоий бобомизнинг умр шомида “Маҳбуб ул-қулб”ни битгани ҳам тасдиқ эмасдек. Шоир бир умрлик мушоҳадаю мулоҳазалари, аниқлаш-ўққанларини, ҳаётини ва ижодий хулосаларини шу асарда мужассам этди. Китобнинг энг қатта бўлимида подшоҳдан тортиб гадогача, дарвешдан тортиб лўлигача, деҳқондан тортиб сипоҳийгача, санъаткордан тортиб олибсотаргача — ҳуллас, жамятнинг деярли барча табақаларига таърифу тавсиф берилади. Шоир аҳли жамят хусусидаги хулосаларини баён этади, керак бўлса, уларнинг вазифаларини белгилаб беради.

Хазрат мусофирликда, Ватан соғинчида кечган ҳасратли кўнларида — эҳтимол Самарқанд ёки Астроабда маҳзун соғинч ва ички бир қайғу билан қуйидаги рубоийни битди:

Ўлсам ясаманг мунда

мазоримни менинг,

Юклуб элтигн жисми

фигоримни менинг.

Ўтру чиқариб ахли

қўйда қўюнг тани

низоримни менинг.

Шубҳасиз, жуда оддий, жуда ички инсоний орзу-ҳасратни ифода этган бу сатрлар Алишер Навоий халқномасининг финали, жавҳари, муҳтасар айтаганда, ўз элини бутун жисму жони ила севган шоирнинг васияти ўлароқ жаранглайди.

Алишер Навоий ижодининг марказий масаласи, шубҳасиз, компи инсонга оид. Комиллик бизнинг бутунги глобал дунёимизда ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ. Нега дейсизми? Аввало, глобаллашувнинг муҳим ва яхши жиҳати бор: унда алоҳида тақдирлар йўқ. Ҳар бир одам гўё бутун инсоният ҳаёти учун масъул бўлиб қолгандек. Шу боис, халқлар, давлатлар, одамлар умумжамоа

ларининг эзгу ғояларини, амалларини қўллаб-қувватламаслик, хайрли ишлар рўёбига ҳалақит бериш, бўлар-бўлмас даъволар, шикоят-жанжаллар, қилинаётган ишларни ноҳақ қоралаш — элнинг ўз раҳнамоларига зулмидир.

Тўхмат, ёлғон, текинхўрлик, бошбошдоклик, молпарастлик, ҳирсу ҳавас, исроф, ҳўжакўрсинчилик, дангасалик қабилар эса одамларнинг бир-бирига, ўз-ўзига зулмидир.

Навоий йирик эпик асарларида ўзи яшаб турган жамятга оид танқидий қарашларини турли сюжетлар воситасида ифода этган. Бутун кўчини эл манфаатига йўналтирган Фарҳоднинг, юксак инсоний тузилманинг соҳиб бўлган Лайли ва Мажнуннинг охи-оқибатда ҳалокатга маҳкум бўлиши, аслида, мутафаккир шахснинг даврга берган баҳоси ўлароқ қабул қилиниши лозим. Хусусан, шох Баҳром тақдирининг фожиали якунида мутлақ ҳўкимиятга асосланган ижтимоий тузилманинг ноёблигига, бундай тузумда ҳеч ким, ҳатто мансаб ва мулк соҳибларининг ўзи ҳам бахтли бўла олмаслигига ишора бор. Давр ва тузум моҳиятини шу тахлит кўрсатиб берган шoir мажоз йўли билан фақир (халқ)нинг кўчини ҳам тўғри баҳолайди:

Шах сипах чекса,

фақир аҳволига етмас футур,

Бу вале чеккан нафас,

барбод ўлур ҳашмат анга.

Яъни шохнинг ҳарбий юришларидан дарвеш-фақирнинг аҳволига путур етмаслиги мумкин, аммо фақир оҳ чекса (ёки кўзгалса), бутун шохлик барбод бўлиши ҳеч гапмас.

Навоий бобомизнинг умр шомида “Маҳбуб ул-қулб”ни битгани ҳам тасдиқ эмасдек. Шоир бир умрлик мушоҳадаю мулоҳазалари, аниқлаш-ўққанларини, ҳаётини ва ижодий хулосаларини шу асарда мужассам этди. Китобнинг энг қатта бўлимида подшоҳдан тортиб гадогача, дарвешдан тортиб лўлигача, деҳқондан тортиб сипоҳийгача, санъаткордан тортиб олибсотаргача — ҳуллас, жамятнинг деярли барча табақаларига таърифу тавсиф берилади. Шоир аҳли жамят хусусидаги хулосаларини баён этади, керак бўлса, уларнинг вазифаларини белгилаб беради.

Хазрат мусофирликда, Ватан соғинчида кечган ҳасратли кўнларида — эҳтимол Самарқанд ёки Астроабда маҳзун соғинч ва ички бир қайғу билан қуйидаги рубоийни битди:

Ўлсам ясаманг мунда

мазоримни менинг,

Юклуб элтигн жисми

фигоримни менинг.

Ўтру чиқариб ахли

қўйда қўюнг тани

низоримни менинг.


Шубҳасиз, жуда оддий, жуда ички инсоний орзу-ҳасратни ифода этган бу сатрлар Алишер Навоий халқномасининг финали, жавҳари, муҳтасар айтаганда, ўз элини бутун жисму жони ила севган шоирнинг васияти ўлароқ жаранглайди.

Алишер Навоий ижодининг марказий масаласи, шубҳасиз, компи инсонга оид. Комиллик бизнинг бутунги глобал дунёимизда ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ. Нега дейсизми? Аввало, глобаллашувнинг муҳим ва яхши жиҳати бор: унда алоҳида тақдирлар йўқ. Ҳар бир одам гўё бутун инсоният ҳаёти учун масъул бўлиб қолгандек. Шу боис, халқлар, давлатлар, одамлар умумжамоа

бўлиб, иттифокликда яшашга, ўз қиёфаларини одаммиллик меъёрлари кўзгусида сошлаб олишга мажбур.

Глобаллашувнинг ёмон томони ҳам шунда, албатта. Яъни онгни заҳарлайдиган информациялар, ғайринисоний мафкуралар, ёвузликнинг манфур чакриги — дунёнинг қайси нуқтаида бўлмасин, исталган одамни топиб келади. Турли объектив ва субъектив сабаблар туйғайли айрим одамлар руҳиятга ўрнашади. Ўз вайронкорлигини бошлайди...

Биз гоҳо шундай ўйлаймиз: “Олисолис мамлакатларда авж олаётган вайронкорликлар, қонун даражасида тасдиқланаётган ғайринисоний талаблар, қиёматни яқинлаштираётган даъволар, бузғунчи ғоялар айнан глобаллашув сабабли бизгача етиб келиб, болаларимизнинг миясини заҳарлайди. Фарзандларимиз ўша нарсаларни эшитмасабилмас, ҳаммаси яхши бўлади”. Бу тахлит фикрлаш анчайин аноийликдир. Инсонни ҳеч қачон ғодиллик қўтқармайди. Ватанга хиёнат, падарқушлик, фарзандқушлик, зино, бачабозлик, бошбошдоклик, дин ё халқ манфаати ниқоби остида олиб борилган урушлар, дунёга ҳўкморлик даъвоси, гиёҳвандлик, талончилик, фитна-фўжур, очқўзлик, моддиончилик — инсон фикратини, ҳатто фитратини бузадиган бу каби ҳўнуқ ҳодисалар дунёнинг ҳар ерида, керак бўлса, ўзимизнинг кечимишимиздаям, бугунимиздаям топилади. Аслида, инсоният тарихи ҳар қачон ва ҳар ерда шу каби фожиаларга йўлдош бўлгани учун ҳам муқаддас китоблар юборил



ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШ

“ДАВЛАТИМИЗ ҲИМОЯСИДА ЭКАНИМИЗНИ ҲИС ҚИЛИБ ЯШАЯПМИЗ”

дейди Японияда муваффақиятли фаолият юритаётган юртдошимиз Бунёдбек Ибрагимов



Нима бўлганда ҳам ўрганганинг ўзингга деганларидек, чинакам билим ўз кучини кўрсатди. Бунёдбек давлат гранти асосида Тошкент давлат юридик университетига ўқишга кирди.

Талабалик пайти ундан хабар олгани келган отаси ўғлининг дарс жадвалини кузата туриб, инглиз тилидан ташқари Осиё халқларидан бирига мансуб, масалан, хитой ёки япон тилини ҳам ўрганишни маслаҳат берди.

— *Уша кезлари университетимизда илк бор япон тили курси ташкил қилинганди, — дейди Бунёдбек. — Инглиз тили ўқитувчимиздан бу ҳақда эшитиб, япон тилини ўргана бошладик. Ҳалиям эсламан, ўша устозимиз “Шу курсга ёзилиб келинглар, сизлар Японияга ўқишга кетасизлар”, деб бизга мотивация берган. Кейинчалик университетда япон тили ва ҳуқуқи маркази ташкил қилинди. Университетимиз раҳбарияти ва домлалар бу марказга, унда ўқиётган талабаларга алоҳида эътибор қаратди. Ректор ҳам, деканамиз ҳам бизни япон болаларим, дер, япон ўқитувчимиз ҳам ажойиб инсон эди. Бошида фақат қўшимча чет тилини ўрганиш учун марказга борган бўлсак, кейинчалик бу ерда япон ҳуқуқини ҳам япон тилида ўргана бошладик. Мен фақат Япониянинг иқтисодий тараққиётига асос бўлган ҳуқуқни ўрганишни хохладим.*

2-курсда 2 ҳафталик алмашув дастури орқали илк марта Нагоя университетидан бўлган Бунёд Ибрагимов 3-курсда бир гуруҳ талабалар билан яна шу университетга борди-ю, Японияда таҳсил олиш истаги қатъий қарорга айланди.

Магистрлик даражасини Нагоя университетидан олган ватандошимиз Тошкент давлат юридик институтига қайтиб, 3 йилга яқин хўжалик, бизнес тадбиркорлик ҳуқуқи бўйича дарс берди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида педагогик фаолият юритди. 2012 йилда яна докторлик даражасини олиш учун кетганидан буён ҳозиргача Японияда.

“Тошкент — бизнинг дўст шаҳримиз”

Бунёдбек соҳада фаолият юритиш билан биргаликда мамлакатимиз иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар сабаб, 2017 йилдан кейин Ўзбекистон ва Японияда тадбиркорликни ҳам бошлашни ният қилди.

Бир фуқаро сифатида Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўиш ниятида ишни Японияда компания очиб, савдо алоқаларини ривожлантиришдан бошлади. Даставвал, мамлакатимизга қизиқиши бўлган япон компанияларини юртимиз туризми ва маданиятига жалб қилди. Бу борада дастлаб элчихона, Ўзбекистон Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан доимий ҳамкорлик қилинди. Мадавий тадбирлар ташкил этилиб, ўзбек рақси, таоми, маданияти намойиш қилинарди. Тўғри, бир йил

Хоразмнинг Урганчида туғилиб вояга етган Бунёдбек Ибрагимовнинг отаси ўғлининг халқаро юрист бўлишини орзу қилар эди. У бу касбни унчалик тушунмаса-да, юристлик учун керак бўлган хорижий тил, тарих фанларини астойдил ўрганди. Юқори синфларда ўқиётган кезлари вилоят олимпиадаларида тарих фанидан совринли ўринларни олди. Аслида эса... Ноҳақликлар бўлмаганида, у янада юқори ўринларни ҳам қўлга киритиши мумкин эди. Жуда кичик пайтидан адолатсизликни қабул қила олмайдиган, ўзи эса барчага бирдек адолатли бўлишга қарор қилган ўсмирнинг ҳуқуқшунослик касбини танлашида фан олимпиадаларидаги ноҳақликлар муҳим ўрин тутган бўлса, не ажаб?

давомида яхшигина маблағ сарфланган бу ҳаракатлар ҳеч нарса олиб келмади. Кейинроқ ватандошимиз яшаётган ҳудуддаги шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри ҳақидаги маълумотлар ҳар битта уйга кириб борадиган шаҳар янгиликлар каналига қўйилди. Худуддаги мактабларда ўзбек оши тарқатилиб, “Тошкент — бизнинг дўст шаҳримиз, бу ўзбекларнинг миллий таоми”, деб изоҳ берилди. Табиийки, япон болалари буни ота-оналарига айтар эди. Шаҳар сайёҳлик марказида эса “Салом, Тошкент” видеоролиги намойиш қилина бошлади.

2019 йилда давлатимиз раҳбари Японияга ташрифи давомида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ваколатхонасини очиб, вакилини қўиш таклифини бергани бежиз эмаслигини қаҳрамонимиз кейинчалик тушуниб етди. Негаки, у таклифни эшитиб, бу бўйича жаҳон тажрибаси борми, шундай бўлиши керакми ўзи, дея ҳайрон бўлганди. Ўйлаб қараса, япон компаниялари билан алоқа ўрнатишда ваколатхоналар муҳим ўрин тутар экан.



Японлар қовуннинг ичига кириб кўради

— Аввалига Ўзбекистондаги маҳаллий ишлаб чиқаришдан хабаримиз йўқ эди, — дейди ватандошимиз. — Шунинг учун юртимиздаги ишлаб чиқариш жойларини ўрганганимиз. Чунки уларни японларга таништириш, саволларига жавоб бериш, лабораторияларидан ўтказиш учун бу керак эди.

Айни пайтда Ўзбекистонга жалб этилган 60 дан зиёд япон компанияларининг 26 таси бевосита қаҳрамонимиз ҳаракати билан фаолият олиб борапти. Пандемия даврида ва 2021-2022 йиллар давомида 17 марта тадбиркорлар делегациялари (170 дан ортиқ япон тадбиркорлари) ташрифи ташкил этилди. Айни пайтда улар кўчмас мулк, микромолия, IT, мебель ишлаб чиқариш ва консалтинг, шунингдек, япон ресторани каби турли соҳаларда фаолият бошлапти. Жумладан, рўйхатда Kyoto Plaza Hotels, Aces Japan, Mikado Invest and development, Zion Investment Trust, TMN, Nayuta микромолия ташкилоти, Nippon Logistics, Bushido, Dragon

brotherz, Shogun компаниялари бор. Бу бозорда 30-40 фоиз ўсишга олиб келадиган кўрсаткич бўлиб турибди. Бунёдбекнинг айтишича, инновация, роботлар соҳаларидаги япон компанияларининг 5, 10, 20 йиллик стратегиялари ишлаб чиқилган. Аҳолиимизнинг 36 миллиондан ошгани муҳим жиҳат. Лекин юқоридаги япон компаниялари учун бизнинг бозоримиз кичкиналик қилади. Шу маънода, у ўзимизнинг бозоримизга тўғри келадиган, улар учун жалб қилувчи бўлган компаниялар билан, асосан, кичик ва ўрта бизнесда ишлашни мўлжаллаган.

Ўзбекистонда консалтинг компанияси, адвокатлик фаолияти ва кўчмас мулкни бошқариш бўйича лойиҳани йўлга қўйган ватандошимиз мамлакатимиз туризм соҳасидаги ўзгаришлар, ислохотлар, ҳатто бошқарувдаги тақомиллашувни ҳам билиб туриши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистонга нима импорт қилинган, нима экспорт қилинган, булар Япония ижтимоий тармоқларида таржимон ёрдамида бериб борилади. Ўзбекистон



ҳақида маълумотга эга кўплаб япон тадбиркорлари юртингизда компанияни қандай очамиз, деб сўрайди.

Бунёдбекнинг фикрига кўра, инвесторлар ўзлари келса, албатта, қаердир муаммога учрайди. Қаҳрамонимиз Адлия вазирлигига таклифлар беради. Зеро, фирма номларини захирага олишнинг ўзига бир ойлаб вақт сарфланади. Бу эса ўз-ўзидан фаолиятни бошлашни кечиктиради. Шунинг учун қайси соҳада бўлмасан, дастурлар тўлиқ ишлаб чиқилади. Ҳамкорлар биринчи галда банкга олиб борилади. Молия тизими, банк, мономарказлар, технопаркларда ташрифлар ташкил қилинади. Уларнинг фирма очиш бўйича юридик, бухгалтерлик хизматлари бор. Кадрлар, офис масаласида ҳам ёрдам берилади. Аутсорсинг шартномалар қилишда ҳам япон тадбиркорларига кўмаклашилади.

Япон бозори инжиқ бозорлардан ҳисобланиши, маҳсулот жуда кўп давлатлардан келиши, ўрта қатлам кенглиги ҳисобига сотиб олиш имкони юқорилигини айтган экан, японлар сифатли маҳсулот талаб қилишини қаҳрамонимиз алоҳида таъкидлади.



— Маълум стандартлар бўйича етиштириш, ишлаб чиқариш, қадоклашни ўзимиз келишамиз, — дейди у. — Асосан, қуруқ мевалар, майиз экспорт қиламиз. Тайёр маҳсулот масаласини ҳам ўйладик. Масалан, Ўзбекистон меваларидан тайёрланган шарбатлар. 20 йилдан ортиқ маҳсулотга рухсат олдик. Орада ҳўл мева савдоси билан ҳам шугулландик. Техникага келадиган бўлсак, Япония техникасида фойдаланишга мажбурмиз. Чунки биз, ўзбекларда қовун қўнғилдагидек чиқмаса, “ичига кириб чиқибманми?” деб қўйилади. Японлар эса қовуннинг ичига кириб кўради. Шу маънода, бунга мос техникани ҳам қиялпмиз. Сифат назорати жуда муҳим. Қайта ишловчидан олганимиздан кейин ҳам яна бир марта кўздан кечирамиз.

Мутахассисларни хорижда ўқитиш, малакасини ошириш керак

Ватандошимиз ўз мутахассислигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ва Япония ҳуқуқшунослигининг бугунини шундай қиёслади:

— Япония иқтисодиётидаги тараққиётни каби ўз ҳуқуқий тизимини ҳам яратишга муваффақ бўлган. Бу борада ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқшуносликнинг ўрни жуда катта. Ҳар бир ҳуқуқшунос олим ўз соҳасидан ташқари хорижий мамлакатлар ҳуқуқий тизимини ҳам мукамал ўрганиб боради. Айтиши мумкинки, японларда турли мамлакатлар ҳуқуқий тизимларининг илгор тарафларини кўр-кўрона кўчириш эмас, онгли равишда ўзларига мослаштириш ва миллий ҳуқуқий тадқиқот ривожланган.

Мамлакатимиз ҳам бу борада жуда кўп ютуқларга эришди. Эркин бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг ҳуқуқий заминини яратиш ва ҳуқуқий ислохотларни изчиллик билан амалга оширишда ҳуқуқшуносларимиз ва бу соҳадаги давлат хизматчиларининг ўрни бекиёс. Эндиги муҳим йўналишлар сифатида, аввало, ёш ҳуқуқшунослар ва давлат хизматчиларини хорижда ўқитиш ва малакасини ошириш жоиз. Шунингдек, ҳуқуқий соҳада самарасиз тизимларни ўрганиш, бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш керак. Айни пайтда давлат бошқарувда олиб борилаётган ислохотлардан келиб чиқиб, ҳуқуқий тизимда ҳам янгилашлар амалга оширилиши мақсада мувофиқ, деб ўйлаймиз. Қўнун ижодкорлиги, давлат бошқаруви, одил судлов соҳасида ҳуқуқшунос олимларнинг роли янада ортиса, энг муҳими, ҳуқуқий ёки юридик таълим соҳасида туб ислохотлар амалга оширилса, албатта, соҳа истиқболига хизмат қилади. Тўғри, сўнғеи йилларда юридик таълимда ислохотларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар қўлланилди, аммо булар, асосан, таълим билан боғлиқ ислохотлар эди. Юридик таълим ислохоти комплекс равишда, яъни одил судлов ва прокуратура билан боғлиқ ҳолатда олиб борилиши керак, назаримда.

Шу маънода, ўзим ҳам Ўзбекистонда одил судлов, яъни адолатни, суд ҳокимияти ва судьялар мустақиллигини таъминлаш борасидаги ислохотларни амалга оширишга ҳисса қўишни мақсад қилганман. Юристар умуммиллий имтиҳонини жорий қилиш, суд бошқарувини тақомиллаштириш ва юридик таълим соҳасидаги ислохотларда иштирок этиш ҳам эзгу ниятларимдан. Бундан ташқари, Япониянинг тадбиркорларни кўллаб-қувватлаш ва солиқ қўнунчилигидаги намунали жиҳатлар, Ўзбекистонга инвесторлар кириб келиши ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги масалалар бўйича ҳам ўз тажрибам ва таклифларим билан фаол қатнашишга ҳаракат қиламан.

Япон оналари ўзбек аёлларини эслатади

Қўнчиқар юрт одамлари ўзига хос маданияти билан эътироф этилади. Уларда айнан ўзбекларга ўхшаш жиҳатларни қўриш, қайсидир фазилатлари ватандошларни эслатиши мумкин. Бунёдбекнинг бу борадаги фикрлари маълум маънода қарашларимизга яқин бўлиб қикди.

— Японлар ўз урф-одати ва маданиятига алоҳида эътибор қаратади, — дейди у. — Улар замонавийликка уйғун ҳолда миллийликни сақлаб қолган. Ҳатто замонавий осмонўпар биноларида ҳам миллийликни қўриш мумкин. Шунингдек, Японияда фарзанд тарбияси, таълимига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳаёя алмашиш маданияти ҳам ажойиб, албатта, ҳаёяга ҳаёя билан жавоб беришади.

Япон оналарининг меҳрибонлиги ва оиладаги ўрни ўзимизнинг ўзбек оналарини эслатади. Ўзбекистон ҳақида ўйласам, ростки, аввало, онам келади ҳаёлимга. Мени онамчалик ҳеч ким қутмаган бўлса керак. Кейин таълим масканларим, тахсил олган лицейим, университетим кўз олдимга келади. Мен учун у жойлар жуда қадрли.

Миллийлигимизга келадиган бўлсак, уни хорижда юрганлардек ҳеч ким қадрламаса керак. Миллийлик, аввало, миллатдан фарқланиш, миллий қийим, миллий таом ва албатта, урф-одатларни унутмай яшаш.

Япониядаги ватандошларимиз билан миллийликка алоҳида ургу берамиз. Университетда Ўзбекистон, ўзбек маданияти кўнлари, ҳатто Ўзбек-Япон академик форумлари ўтказамиз. Янаи йилни ҳар йили юртдошларимиз билан бўрае нишонлаймиз. 2023 йилни ҳам 200 га яқин ватандошлар бираалликда қўтиб олдик. Мустақиллик, Наврўз, Ҳайит байрамларини ҳамжihatликда ўтказамиз. Миллий терма жамоамиз ўйинларини бираалликда қўриш, Японияга келган жамоаларимизни кўллаб-қувватлаш кабиларнинг барини миллийлик, деб айтсак бўлар.

ЎЗБЕКИСТОНДА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДАГИ ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК, ЭРКИН ИҚТИСОДИЁТ ВА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ, ХАЛҚ ОЛДИДАГИ ЖАВОБГАРЛИК, МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ, ҚАТОР ИСЛОХОТЛАР, ЭНГ МУҲИМИ, ТАШҚИ СИЁСАТДАГИ ЯНГИЛИНИШЛАР КИШИНИ ҚУВОНТИРАДИ. АСОСИЙСИ, ДАВЛАТ БОШ ИСЛОХОТЧИ ЭМАС, БОШ ТАШКИЛОТЧИ, УНИНГ ХУСУСИЙ ТАШАББУСЛАРГА ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРУВЧИ СИФАТИДАГИ РОЛИ ЎЗГАРМОҚДА, ДЕЯ ОЛАМИЗ.

Бир нарсани алоҳида айтишни истардим: миллийликнинг асосий омил — тил. Имкон қадар ўзбек тилида сўзлашса, япон тилида гаплашаётган фарзандларимизда она тилимизга муҳаббат уйғотишга ҳаракат қиламиз.

Миллийлигимизни ҳамиша ҳис қилиб туриш учун Нагоя ва Тошкент дўстлик жамиятини ташкил қилганмиз. Элчихонамиз, шаҳар ҳокимияти ва дўстлик жамиятининг фаол ҳамкорлиги самараси ўларок, Тошкент ва Нагоя ҳамкор шаҳарлар бўлди, икки давлат мактаб ўқувчиларини бир-бирига таништириш, ўзаро фикр алмашишларини ўйлаа қўйдик. Қарангки, япон болалар ўзбек ўқувчиларига ёзган хатларида ўзбек тилида қайси сўзларни ўрганганлари, қайси миллий таомларимиз номларини билишини ёзганлар. Ҳатто “Тулпор, тулпор” қўшиғини ўзбек тилида ижро ҳам қилишди. Бизга қўшни япон оналари, ҳеч бўлмаганда, “Ассалому алайкум” дейишни билади.

Муаммолар, албатта, ечим топади

Ўзбекистонда кейинги йиллардаги очиклик ва шаффофлик, эркин иқтисодиёт ва электрон ҳукумат, халқ олдидаги жавобгарлик, матбуот эркинлиги, қатор ислохотлар, энг муҳими, ташқи сиёсатдаги янгилинишлар кишини қувонтиради. Асосийси, давлат бош ислохотчи эмас, бош ташилотчи, унинг хусусий ташаббусларга шароит яратиб берувчи сифатидаги роли ўзгармоқда, дея оламиз.

— Ҳуқуқшунос ва тадбиркор сифатида айни соҳалардаги ўзгаришларни кузатиб бора эканман, уларни қўтилмаган ва радикал ўзгаришлар деб ўйламайман, — дейди Бунёдбек. — Ўзбекистоннинг сўнғеи йилларда халқаро аренадаги қадамлари Марказий Осиёдаги геосиёсий ҳолатни тубдан ўзгаририб юборди. Сиёсий янгилашлар самарадорлиги яна бир бор ўз сўзини айтди.

Шунингдек, сиёсатимиз ёшарди, унда миллийлик алоҳида аҳамият касб этияпти, буни хорижда турганлар чуқур ҳис қилиб, деб ўйлайман. Хориждаги ҳар бир ўзбекистонликка нисбатан ҳукуматимиз бефарқ эмаслиги, давлатимиз ҳимоясида эканлигимизни ҳис қилиб яшапмиз. Ёшларга имконият яратишга эса алоҳида ургу бериляпти. Иқтисодиётда давлат ролини қаматириш ва хусусий секторга кенг имконият яратиш борасида жадал ишлар олиб бориляпти. Албатта, бу ислохотларнинг бошланиши, ҳали талай муаммолар мавжуд. Аммо Ўзбекистонга четдан низоҳ ташлаб, ҳолис фикр қўришдан қийин сифатида айтманки, муаммолар, албатта, ечим топади. Истиқболли лойиҳалар эртამиз зааларининг фаровон ҳаётига хизмат қилади.

Муножат МҲМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири